

Ҳ У К М

Ўзбекистон Республикаси номидан

Protected by PDF Anti-Copy Free

2022 йил август ойининг 26 кuni жиноят ишлари бўйича Хонобод шаҳар суди, Хонобод шаҳрининг Навоий маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи шаҳар судининг раиси У.Мирзаабдуллаев, Ш.И.Ироқовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Хонобод шаҳар прокурори ўринбосари Ф.Юлдашев, судланувчи [REDACTED] ва [REDACTED]нинг ҳимоячиси Х.Каримахуноваларнинг иштирокида,

[REDACTED] жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:



Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни;

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED], 2019 йил март ойларида Қозоғистон Республикасига ишлаш мақсадида бориб, бепарволиги натижасида фуқаролик паспортини йўқотиб қўйган бўлсада, Ўзбекистон Республикасига қайтиб ўтиш учун “Ватанга қайтиш гувоҳномаси”ни расмийлаштирмасдан, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддасида кўрсатилган талабларга зид равишда, 2021 йил 4 декабрь кuni Қозоғистон Республикасидан белгиланган тартибни бузиб, айланма йўллар орқали қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кириб келган.

Судланувчи [REDACTED] судда, 2019 йил март ойида Тошкент вилоятида жойлашган “Гишт-Кўприк-авто” чегара назорат ўтказиш пункти орқали белгиланган тартибда Қозоғистон Республикасига ишлаш мақсадига ўтиб, у ерда ёнланма ишчи бўлиб ишлаб, бепарволиги

натижасида фуқаролик паспортини йўқотиб қўйганини, 2021 йилнинг охирларида Алматы шаҳридаги Ўзбекистон элчихонасига “Ватанга қайтиш гувоҳномаси”ни расмийлаштириш мақсадида борганида уни қабул қилмаганини, телефон орқали ҳам элчихона ходимлари билан гаплашолмаганини, онаси оғир касал бўлиб қолганлиги сабабли 2021 йил 4 декабрь куни чегара ўтказиш пункти ҳисобланмаган айланма йўллар орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонунга хилоф равишда ўтиб келганини кўрсатиб, оилада қолган аъло оқувчи ҳисобланишини, онаси 2-гурӯҳ ногирони эканлигини, оилавий шароити оғирлиги сабабли кам таъминланган оилалар рўйхатида туришини, қилмишидан чин қўнгилдан пушаймонлигини инobatга олган ҳолда энгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Гувоҳ Ғ.Мавлонов судда, [REDACTED] ягона ўғил фарзанди бўлиб, у 2019 йилнинг март ойида Қозоғистон Республикасига ишлаш мақсадида кетиб, у ерда бепарволиги натижасида фуқаролик паспортини йўқотиб қўйгани, Ўзбекистон элчихонасидан “Ватанга қайтиш гувоҳномаси”ни ололмаганлиги сабабли 2021 йил 4 декабрь куни фарзанди айланма йўллар орқали яшаш хонадонига қайтиб келгани, турмуш ўртоғи оғир бетоблигини, оилавий шароитлари оғирлиги сабабли кам таъминланган оилалар рўйхатида туришини инobatга олиб, ўғлиги нисбатан энгилроқ жазо тайинлаш ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Б.Мўминов судда, дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, Хонобод шаҳрининг Навоий маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасида ишлаб келиши, [REDACTED] ёшлигидан таниши, ота-онаси бир неча йилдан буён касаллиги сабабли, у ишлаш мақсадида Қозоғистон Республикасига кетиб, ўша ерда ишлаб, уларни даволатиб келиши, кейинчалик [REDACTED] 2021 йил 4 декабрда Қозоғистон Республикасидан айланма йўллар орқали келганини билгани, суддан [REDACTED] оиласи маҳаллада кам таъминланган оилалар рўйхатида туришини инobatга олиб, унга нисбатан энгилроқ жазо тайинланишини сўраши ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Н.Юсупова судда, гувоҳ Б.Мўминовнинг кўрсатувларини тасдиқлаб, ўхшаш мазмунда кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] айби булардан ташқари, билдирги, ёзма кўрсатма, суд муҳокамасида кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ Қ.Ғулумжоновнинг сўроқ баённомаси ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топган.

Суд, судланувчи [REDACTED] белгиланган тартибни бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасига кириб келганликда ифодаланган ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган деган тўхтамга келади.

Суд, [REDACTED] айбига тўлиқ иқроор, қилмишидан чин қўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас

деб баҳолаб, унга жазо тури ва меъёрини белгилашда, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни ишобатга олиш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти туғрисида”ги қарори 37-бандида, ЖК 57-моддаси мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, ЖК кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки айбдорнинг шахси, жиноят содир этиш пайтдаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитини ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиш мумкинлиги (масалан, моддий зарарни тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этишга туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги) ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, уни яшаш жойидан шахси ижобий тавсифланганини, содир этган қилмишини моҳиятини тушуниб етиб, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлаётганини, жиноятни очилишида фаол ёрдам берганлигини, жиноят оқибатида ҳеч қандай моддий зарар етказилмаганлигини, ёшлигини, касалванд ота-онасининг ёлғиз боқувчиси ҳисобланишини, онаси 2-гуруҳ ногирони эканлигини, оилавий шароити оғирлиги сабабли кам таъминланган оилалар рўйхатида туришини, жиноят содир этиш мақсади ва усулини ва унинг тўлов қобилиятини эътиборга олиб, юқорида кўрсатилган ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда қонун санкциясида кўрсатилганидан ҳам камроқ жарима жазоси тайинлашни, жарима миқдорини жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгилашни лозим топади.

Бинобарин, суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига асосан,

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, базавий ҳисоблашнинг 5 баравари миқдорида 1.35 (бир миллион уч юз элик минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима [] ат фойдасига ундирилсин.

[] нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, шу суд орқали Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: (имзо) У.Мирзаабдуллаев

Ҳукм нусхаси аслига тўғри
Шаҳар суди раиси У.Мирзаабдуллаев